

# МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ОИЛАДАГИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДАГИ РОЛИ

Феруза Зоирова,

Жиззах давлат педагогика институти  
рус тили ва адабиёти институти ўқитувчиси

**Аннотация:** Маколада ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънавий етук қилиб тарбиялаш, бунинг учун миллий ва маънавий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, оилаларни қўллаб-қувватлаш, соғлом муҳитни қарор топтириш, ўғил-қизларимизнинг онгу шуурига эзгулик, бунёдкорлик ғояларини чуқур сингдириш курсатилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, оила, жамият, фарзанд, баркамол, тарбия, авлод, дунёқараш.

**Аннотация:** Статья направлена на воспитание подрастающего поколения здоровым, духовно зрелым образом, на поддержку семей, основанных на наших национальных и духовных ценностях, на создание здоровой окружающей среды, на привитие в умы наших сыновей и дочерей идей доброты и творчества.

**Ключевые слова:** молодежь, семья, общество, ребенок, развитие, воспитание, поколение, мировоззрение.

**Annotation:** The article aims to bring up the younger generation in a healthy, spiritually mature way, to support families based on our national and spiritual values, to create a healthy environment, to inculcate in the minds of our sons and daughters the ideas of kindness and creativity.

**Keywords:** youth, family, society, child, development, upbringing, generation, worldview.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йиллариданоқ ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънавий етук қилиб тарбиялаш, бунинг учун миллий ва маънавий қадриятларимиздан келиб чиққан ҳолда, оила институтини ривожлантириш кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Шунга кўра, давлат ва жамият тараққиётининг ўзига хос кўзгуси бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ушбу муҳим бўғинда ижтимоий-маънавий соғлом муҳитни қарор топтириш, пировардида ўғил-қизларимизнинг онгу шуурига эзгулик, бунёдкорлик ғояларини чуқур сингдириш, бугунги мураккаб замонда уларни турли иллатлар ва мафкуравий хатарлардан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бугунги кунда давлатимизнинг асосий мақсадларидан бири келажак пойдевори булган ёшларни ҳукукий, маънавий, маданий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ахлокий етук мустақил фикрловчи баркамол авлод килиб вояга етказишдир. Дарҳақиқат, ҳозирда жамиятимизнинг 64% дан ортиғини ёшлар ташкил қилади. Ёшлар жамиятимизда амалга оширилаётган тарихий жараёнларнинг барча соҳаларида адолатли, маънан етук, жисмонан соғлом, анъаналарга ҳурмат билан ёндашувчи, янгича маънавий тафаккур эгаси бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар тарбияси ҳақида шундай деган эди: "Бизни ҳамisha ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаришти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айти пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан". Ҳа албатта, ушбу жумлаларда катта маъно бор. Биз, аввало, тарбияга эътибор беришимиз зарур, тарбия бу тугулгандан бошланади ва умрнинг охиригача давом этади. Буюк мутафаккирларимиз А.Авлоний, А.Фитратлар таъкидлаганидек, тарбия, аввало, оиладан бошланади. Ҳар томонлама етук инсонни тарбиялашда оила биринчи ўринда туради. Оила асосий тарбиянинг ўчоғидир. Оила ҳар бир халқнинг, миллатнинг давомийлигини сақлайдиган, миллий қадриятларнинг ривожини таъминлайдиган янги авлодни дунёга келтириб, уни маънавий ва жисмоний

баркамол қилиб тарбиялайдиган, жамиятнинг асосий негизи ҳисобланувчи муқаддас маскандир. Боланинг ақлий, ахлоқий, эстетик, жисмоний, маънавий моддий тарбиясида асосий омил ва восита оила ҳисобланади. Бунда ота-она санъаткор, бола эса санъат асари, тарбия эса санъатнинг ўзидир. Оиладаги соғлом муҳитни яратиш ҳам ота, ҳам онага боғлиқ. Баъзан жаҳл чиққанда бир-бирини тушуниш ва эъзозлаш, бир-бирига ишонч, меҳнат тақсимотини тўғри йўлга қўйиш, фарзанд тарбиясида бир хилда маъсуллик ота-онанинг оиладаги бурчидир. Оилада фарзанднинг ота-она олдидаги бурчи ҳам ниҳоятда муҳимдир. Боғбон умид билан ниҳол эккани каби, ота она ҳам эзгу умид билан фарзандини дунёга келтиради, ардоқлаб ўстиради. Дарахтнинг ширин-шакар меваларидан баҳраманд бўлишни орзу қилган боғбондек, ота-она ҳам ўз фарзандини ақлли, меҳнатсевар, билимли жамиятимиз тараққиёти учун ҳалол меҳнат қилувчи, маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш учун бор кучи ва имкониятини сарф этади. Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди, чунки, халқимиз айтганидек, фарзанд юракнинг ёғидан яратилган. Фарзанд тарбияси ҳақида Фитратнинг «Оила» асарида мукаммал кўрсатмалар берилган. У, «ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати албатта шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади»,- деб ёзади. Бу фикрларга қўшилган ҳолда, яна шуни ёддан чиқармаслик керакки, оилада ҳар бир фарзанднинг юксак онги, янгича тафаккур ва дунёқараши, одоб-ахлоқи, юксак ижтимоий муносабат ҳуқуқий бурчидир. Чунки Ватаннинг келажаги бўлган фарзандларимизга миллийлик, миллий туйғу, миллий мафкура, иймон, ватанпарварлик, инсонпарварлик тушунчаларини боланинг беш, етти ёшидан онгига чуқур синдиргандагина кўзланган мақсадга, яъни оилада маънавий-маъданий, ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқий, соғлом муҳитнинг яратилишига эришиш мумкин. Айнан шу даврда бола яхши-ёмон нарсаларни англай бошлайди. Оилада ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва маъданий муҳит соғлом бўлса, боланинг онги яхшилик, меҳр-оқибат, ор номус, самимият, тўғрисўзлик

каби муқаддас тушунчаларни қамраб олади. Ота-онага, Ватанга ва атрофдаги барча инсонларга ҳурмат бурчини чуқур англаш одамийлик фазилатидир. А.Авлоний эса тарбия доирасини кенг тарзда мушоҳада қилиб, уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. А.Авлоний тарбияни қуйидагича тасвирлаб беради: «Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир» деб катта баҳо беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимиз ва қадриятларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган, жамият ҳаёти учун ҳар томонлама баркамол кадрларни тайёрлаб, юксак заковатли, интеллектуал салоҳиятли шахсларни шакллантирувчи энг қадимий тарбия ўчоғидир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 15 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби" мавзuidaги анжуманда сўзлаган нутқидан <https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyeev-yeshlar-tarbiyasi-eng-mu-im-masalalardan-16-06-2017>, Фитрат. Оила Тошкент Маънавият. 1998 йил Б-13., Авлоний А. Танланган асарлар 2-жилд. Тошкент Маънавият 1998 йил Б-38